

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A411005 – Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
3. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	9
Библиографик маълумотлар.....	10

1. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A411005 – Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A411005 – Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **Мева-сабзавотчиликда биотехнология** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, таълим сифатини назорат ёилиш бшчилими, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A411005 - Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5A411005 - Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A411005 - Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида, мева-сабзавот экинларининг генетик муҳандислиги, хужайра ва тўқималар культураси, ўсимликларни клонли микроўпайтириш, *in vitro* шароитида мева сабзавот кўчатларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган биологик фаол моддалар, биопрепаратлар, микробиологик биотехнология, экологик биотехнология, ферментлар муҳандислигига оид бўлган комплекс оид комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 5A411005 - Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, унинг турли ҳудудий бўлинмаларида бошқарув жараёнлари;
- ген, ҳужайра ва ферментлар муҳандислиги ҳамда микроб биотехнологияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- ҳужайра ва тўқималар культураси билан шуғулланувчи хусусий корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш жараёнлари;
- лаборатория ва вегетацион тажрибаларни ўтказиш жараёнлари;
- микробиологик саноат асосида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган биопрепаратлар ва биологик фаол моддалар ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари
- атроф муҳитнинг зарарли таъсирларига чидамли трансген ўсимликлар яратиши;
- ташкилий-бошқарув объектлари;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1.2.3. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- биотехнологик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган ҳулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиши;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиши;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиши;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиши;
- мева-сабзавотчиликда биотехнология бўйича янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;
- ген ва ҳужайра муҳандислиги йўналишидаги замонавий технологияларини татбиқ этиши;
- биотехнологиянинг мева ва сабзавотчиликда жори қилинган экспериментал изланиш ишларини намунавий услубиятга асосан мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериши;

- ишланмалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаши;
- хужайра муҳандислиги асосида янги навларини етиштириш, синаш усулларини ишлаб чиқиши;
- мева-сабзавотчилик биотехнологияси соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳларини ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиши;
- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиши ва маърузалар қилиши;
- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолалар тайёрлаши;
- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши;
- инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиши;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиши;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириши;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориши;

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиши;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаши;
- касбий этика қоидаларига риоя қилиши;

Биотехнологик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида

- биотехнологик тадқиқотлар олиб бориладиган лабораторияларни ташкил этиши ва юритиши, технологик карталар яратиши ҳамда ген, хужайра, ферментлар муҳандислиги ҳамда микроб биотехнологияга тегишли технологик жараёнларни юрита билиши;
- микробиологик саноатга ҳамда хужайра ва тўқималар култураси бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юритиш бўйича ихтисослашган корхоналар ҳамда аҳолига маслаҳат бера олиши;
- мева-сабзавотчиликда мослашган туманларда *in vitro* шароитида кўчат етиштириш лабораторияларини ташкил этиши;
- фермер ёки бошқа шаклдаги хўжаликларида биотехнологик усуллар ёрдамида мева ва сабзавот экинларини етиштириш технологияларини ташкил этиши;

- in vitro усулида олинган мева-сабзавотларни кўчатларидан фойдаланишни асослаши;
- биоўғитларни олиш технологиясини асослаши;
- биологик фаол моддалар олиш технологияларини ташкил этиши;
- касаллик ва зараркунандаларга қарши олинадиган биопрепаратларни олиш технологиясини яратиши;
- мева ва сабзавот экинларни етиштиришда замонавий биотехнологик усуллари татбиқ этиши;
- магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиши;
- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши;
- қишлоқ хўжалиги биотехнология соҳаси бўйича сервис хизмати кўрсата олиши;
- деҳқон, фермер ва мутахассисларига замонавий агробиотехнологияни жорий этиш бўйича маслаҳат бера олиши;
- биотехнологик усулда яратилган навларини танлаш, биоўғитлардан фойдаланиш, биологик фаол моддаларни қўллаш, зарарли организмларига қарши биологик кураш ҳамда мева ва сабзавотларни кўпайтириш усуллари бўйича деҳқон, фермер хўжаликлари ва шахсий томорка эгаларига маслаҳат бера олиши;
- илғор тажрибалар ва фан ютуқлари тўғрисида маълумотлар излаш ва уларни умумлаштириш ҳамда оммалаштириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар

- танланган мутахассислик бўйича илмий-тадқиқотларни бажаришга, шунингдек фан, техника ва технология, иқтисодиёт, маданият ва санъатнинг замонавий ютуқларини амалиётга жорий этишга йўналтирилган касб тайёргарлигига эга бўлиши;
- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- 5411900-Агробиотехнология бакалавриат таълим йўналиши бакалаврлари билиши шарт бўлган компетенцияларни ушбу мутахассислик магистрлари янада юқори даражада билиши ва бажара олиши;

- шунингдек, атроф муҳитнинг зарарли таъсирларига чидамли трансген ўсимликларни ахамиятини, молекуляр селекция усулларини, генларни клонлаш технологиясини; трансген ўсимликлар олиш технологияларини қўллашни; каллус тўқималаридан иккиламчи синтез моддаларини ажратишни; кишлоқ хўжалик экинларини *in vitro* шароитида ўстиришни; донор ўсимлик танлаш; эксплантлар ва протопластлар олиш усулларини; каллусдан ўсимликлар регенерацияси; соматик дурагайлар олиш; экиш материални вирусдан холи қилиш; клонли микрокўпайтириш шароитларини оптималлаштириш; статистик натижаларни таҳлил этиш; мева ва сабзаёт чиқиндиларни қайта ишлашда конверциянинг хусусияти ва масштабини ўрганишни; мева-сабзаёт чиқиндиларини қайта ишлашда микроб деградациясидан фойдаланиш усуллари; чиқиндиларни қайта ишлашда ферментлардан фойдаланишни; ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи фитогормон ва фиторегуляторлар ишлаб чиқариш технологияси; ўсимликларни касалликлар ва зарақунандалардан химоя қилтшда фойдаланадиган препаратлар олиш усулларини; озика муҳитларини тайёрлаш ва стериллашни; микроорганизмлардан биомасса ажратишни; микроорганизмлар маҳсулотларини қуритишни билиши;

- натижаларни илмий асослай билиш кўникмаларига эга бўлиши;

- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан кўланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календарь режа, талабалар билиминини ретинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий ҳужжатларни тайёрлашни билиши;

- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши;

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши;

- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этишни қўллаш олиши;

- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш малакасига эга бўлиши лозим.

2.3. Касбий квалификациялар

Агробиотехнолог, биотехнолог-агроном, биоинженер, биотехнолог-тадқиқотчи, муҳандис-биотехнолог, биотехнолог-селекционер, биотехнологик ишлаб чиқариш технологи, хужайра ва тўқималар культураси биотехнологи, доривор ўсимликлар биотехнологи, экобиотехнолог, биоўғитлар ва биопрепаратлар технологи, микробиологик sanoat ишлаб чиқариши биотехнологи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллер, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5A411005–Мева-сабзавотчиликда биотехнология магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестациялар	6%
Кредит таълим тизимидаги кириш	2%
Илмий амалиёт (стажировка)	16%
Таътиллер	16%

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият соҳаси, педагогик фаолият, фан, техника ва технология, методология, методика, илмий тадқиқот, илмий-педагогик, замонавий ахборот технологияси, ўқитиш методикасини, педагогик технология, педагогик маҳорат, мева-сабзавотчиликда биотехнология, энзимология, микроб биотехнологияси, ген ва ҳужайра муҳандислиги, трансген ўсимлик, секвенирлаш, экспрессия, генларни клонлаш, каллус, *in vitro*, регенерация, протопласт, соматик эмбриогенез, дурагай, субстрат, микроорганизм, фермент, иммобилизация, биоўғит, биопрепарат, биоконверсия, биологик фаол моддалар.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкент давлат аграр университети

Ректор Б.Сулаймонов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни тасвиқ этиш маркази

Директор Хакимов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув
юртлари ва малака ошириш бўлими
бошлиғи

Бошлик Ш.Жониколов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси микробиология
институтини

Директор К.Давронов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.











ЎЗРФА Геномика ва биоинформатика
маркази

Директор И.Абдурахмонов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

5A411005- Мева-сабзавотчиликда биотехнология бакалаврнат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи Ишчи гуруҳ таркиби

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис			
1	А.Шокиров	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети декани, доцент	
Аъзолари:			
2	М.Хамидов	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	С.Шарипов	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси мудири, т.ф.н, доцент	
4	Ш.Умидов	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси катта ўқитувчиси	
5	М.Парпиев	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси мудири, т.ф.н., доцент	
6	А.Хакимов	Агробиотехнология кафедраси мудири, PhD	
7	С.Муродова	Агробиотехнология кафедраси профессори, б.ф.д.	
8	М.Зупаров	Агробиотехнология кафедраси профессори, б.ф.н.	
9	М.Мамиев	Агробиотехнология кафедраси доценти, б.ф.н.	
10	Ш.Камилов	Агробиотехнология кафедраси доценти, б.ф.н.	
11	А.Аллаяров	Агробиотехнология кафедраси доценти, PhD	
12	Г.Холмўминова	Агробиотехнология кафедраси катта ўқитувчиси, PhD	
13	Ғ.Жуманазаров	Агробиотехнология кафедраси катта ўқитувчиси	
14	А.Омонлиқов	Агробиотехнология кафедраси ассистенти	
15	О.Верушкина	Агробиотехнология кафедраси ассистенти	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истъомчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	Шифри	Номи	
1.	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биотехнология фанининг ривожланиш истиқболлари ва муаммоларини; - ген, хужайра ва ферментлар муҳандислигини; - муқобил манбалар асосида иккиламчи синтез моддаларишлаб чиқаришни; - озика маҳсулотлари ишлаб чиқариш биотехнологиясини; - озик-овқат, саноат ва қишлоқ хўжалик микробиологиясини; - қишлоқ хўжалик ва маиший чиқиндиларни микробиологик қайта ишлаш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни; - биотехнологик тадқиқотлар олиб бориладиган лабораторияларни ташкил этиши ва юритиши, технологик карталар яратиши ҳамда ген, хужайра, ферментлар муҳандислиги ҳамда микроб биотехнологияга тегишли технологик жараёнларни юрита билиши; - биотехнологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларида технологик интизомга қатъий риоя қилинишини назорат қилиш малакаларига эга бўлиши; - микробиологик саноатга ҳамда хужайра ва тўқималар культураси бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юритиш бўйича ихтисослашган корхоналар ҳамда аҳолига маслаҳат бера олиши; -қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини; - фитогормонларни ишлаб чиқариш жараёнларини; - лаборатория ва вегетацион тажрибаларни ўтказишни; - атроф муҳитнинг зарарли таъсирларига чидамли трансген ўсимликлар яратишни; - генларни клонлашни; - трансген ўсимликлар олиш технологияларини қўллашни;

			<ul style="list-style-type: none"> - каллус тўқималаридан иккиламчи синтез моддаларини ажратишини; - қишлоқ хўжалик экинларини <i>in vitro</i> шароитида ўстиришни; - чиқиндиларни қайта ишлашда ферментлардан фойдаланиш усулларини; - донор ўсимлик танлашни; - <i>in vitro</i> культуралашни; - эксплантлар олишни; - протопластлар олиш усулларини; - каллус тўқимасини ҳосил қилишни; - каллусдан ўсимликлар регенерациясини; - экиш материални вирусдан ҳоли қилишни; - клонли микрокўпайтиришнинг турли босқичларида ўсимлик тўқималарини культуралаш техникасини; - клонли микрокўпайтириш шароитларини оптималлаштиришни; - биотехнологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда маҳсулот унумини ҳисоблашни; - мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашда микроб деградациясидан фойдаланиш усулларини; - чиқиндиларни қайта ишлашда ферментлардан фойдаланиш усулларини; - мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашни; - ўсимликларни касалликлар ва зарақунандалардан ҳимоя қилтишда фойдаланадиган препаратлар олиш усулларини; - ҳашаротлар организмидан микроорганизмларни ажратиб олиш усулларини; - ажратиб олинган микроорганизмларнинг энтомопатоген фаоллигини аниқлашни; - олинган микроорганизмларни ҳашаротларга таъсирини ўрганишни; - мева сабзавот ўсимликлари культураларини <i>in vitro</i> ўстириш шароитини танлашни; - озиқа муҳитларини тайёрлаш ва стериллашни; - ўсимлик материаллари ва асбоб ускуналарни стериллаш усулларини; - ўсимликлардаги мавжуд меристемаларни фаоллаштиришни; - тўқималар культурасида муртакларнинг ҳосил бўлишини бошқаришни; - мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашни; - микроорганизмлардан биомасса ажратишни; - микроорганизмлар маҳсулотларини қуритишни.
--	--	--	---

2.	5A411005	Мева-сабзавотчиликда биотехнологияси	<p>5320500 - Биотехнология (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - донор ўсимлик танлаш; - in vitro культуралаш; - эксплантлар олиш; - протопластлар олиш усуллари; - каллус тўқимасини ҳосил қилиш; - каллусдан ўсимликлар регенерацияси; - соматик дурагайлар олиш; - экиш материални вирусдан ҳоли қилиш; - клонли микрокўпайтиришнинг турли босқичларида ўсимлик тўқималарини культуралаш техникаси; - клонли микрокўпайтириш шароитларини оптималлаштириш; - эксплант тўқималаридан адвентив куртакларни индукциялаш; - соматик эмбриогенезни индукциялаш; - биотехнологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда маҳсулот унумини ҳисоблаш; - статистик натижаларни таҳлил этиш; - мева ва сабзавот чиқиндиларни қайта ишлашда конверсиянинг хусусияти ва масштабини ўрганиш; - мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашда микроб деградациясидан фойдаланиш усуллари; - чиқиндиларни қайта ишлашда ферментлардан фойдаланиш усуллари; - мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш; - ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи фитогормон ва фиторегуляторлар ишлаб чиқариш технологияси; - ўсимликларни касалликлар ва зарақунандалардан ҳимоя қилтишда фойдаланадиган препаратлар олиш усуллари; - ҳашаротлар организмидан микроорганизмларни ажратиб олиш усуллари; - ажратиб олинган микроорганизмларнинг энтомопатоген фаоллигини аниқлаш; - олинган микроорганизмларни энтомопатоген фаоллигини аниқлаш;
----	----------	--------------------------------------	--


			<ul style="list-style-type: none"> - олинган микроорганизмларни хашаротларга таъсирини ўрганиш; - товар ҳолдаги препаратлар тайёрлаш усллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши; - мева сабзаёт ўсимликлари культураларини in vitro ўстириш шароитини танлаш; - озиқа муҳитларини тайёрлаш ва стериллаш; - ўсимлик материаллари ва асбоб ускуналарни стериллаш усллари; - ўсимликлардаги мавжуд меристемаларни фаоллаштириш; - тўқималар культурасида муртақларнинг ҳосил бўлишини бошқариш; - ўсимлик маҳсулотлари деградацияси усуллари; - мева-сабзаёт чиқиндиларини қайта ишлаш; - микроорганизмлардан биомасса ажратиш; - микроорганизмлар маҳсулотларини қуритиш; - натижаларни илмий асослай билиш кўникмаларига эга бўлиши; - мева-сабзаёт экинлари ҳосилдролитини, сифатини биотехнологик усллар ёрдамида ошириш тажрибаларига эга бўлиши керак. - мустақил равишда илмий тадқиқот олиб бориш, очиқ ва ҳимояланган ерда сабзаёт ва полиз экинлари билан дала ва вегетацион тажрибалар ўтказишни; - илмий ҳамда илмий техник адабиётларни ўрганишни, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиш; - илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот камуникацион технологияларни қўллаган ҳолда илмий нашрлар тайёрлашни; - замонавий педагогик ва ахборот камуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши; - махсус фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориш, ўқув-танишув, ишлаб чиқариш технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; - ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, ам алиёт ва лаборатория машғулотларидан қўланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календарь режа, талабалар билимини ретинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни; - талабалар билимини назорат қилишда ретинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
--	--	--	--

3.	5A320500	Биотехнология (маҳсулот турлари бўйича)	<p>5320500 - Биотехнология (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биотехнология фанининг ривожланиш истикболлари ва муаммоларини; - ген, хужайра ва ферментлар муҳандислигини; - мукобил манбалар асосида иккиламчи синтез моддаларишлаб чиқаришни; - озиқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш биотехнологиясини; - озиқ-овқат, саноат ва қишлоқ хўжалик микробиологиясини; - қишлоқ хўжалик ва маиший чиқиндиларни микробиологик қайта ишлаш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни; - биотехнологияда қўлланиладиган илмий тадқиқот усуллари; - in vitro да культуралаш; - донор ўсимлик ўсимлик танлаш; - эксплантлар ажратиш; - протопластлар олиш усуллари; - каллус тўқимасини ҳосил қилиш; - каллусдан ўсимликлар регенерацияси; - соматик дурагайлар олиш; - экиш материални вирусдан ҳоли қилиш ва соғломлаштириш; - клонли микрокўпайтиришнинг турли босқичларида ўсимлик тўқималарини культуралаш техникаси; - клонли микрокўпайтириш шароитларини оптималлаштириш; - эксплант тўқималаридан адвентив куртакларни индукциялаш; - соматик эмбриогенезни индукциялаш; - биотехнологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда маҳсулот унумини ҳисоблаш; - статистик натижаларни таҳлил этиш; - биоинформатика ва геномика асосларини; - прокариот ва эукариот организмлар генлари структурасини; - РНК ва оксилларнинг фазовий тузилиши таҳлил қилишни; - молекуляр филогенетика асосларини; - қишлоқ хўжалик ва саноат чиқиндиларни қайта ишлашда конверциянинг хусусияти ва масштабини ўрганиш;
----	----------	---	--

		<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалик ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашда микроб деградациясидан фойдаланиш усуллари; - чиқиндиларни қайта ишлашда ферментлардан фойдаланиш усуллари; - мева-сабзавот чиқиндиларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш; - ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи фитогормон ва фиторегуляторлар ишлаб чиқариш технологияси; - ўсимликларни касалликлар ва зарақунандалардан химоя қилишда фойдаланадиган биопрепаратлар олиш усуллари; - ҳашаротлар организмидан микроорганизмларни ажратиб олиш усуллари; - ажратиб олинган микроорганизмларнинг энтомопатоген фаоллигини аниқлаш; - олинган микроорганизмларни энтомопатоген фаоллигини аниқлаш; - олинган микроорганизмларни ҳашаротларга таъсирини ўрганиш; - тугунак бактериялар ажратиш ва ўстириш; - товар ҳолдаги биопрепаратлар тайёрлаш усуллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши; - ўсимликлар культураларини <i>in vitro</i> ўстириш шароитини танлаш; - озика муҳитларини тайёрлаш ва стериллаш; - ўсимлик материаллари ва асбоб ускуналарни стериллаш усуллари; - ўсимликлардаги мавжуд меристемаларни фаоллаштириш; - тўқималар культурасида муртақларнинг ҳосил бўлишини бошқариш; - ўсимлик маҳсулотлари деградацияси усуллари; - қишлоқ хўжалик чиқиндиларини қайта ишлаш; - микроорганизмлардан биомасса ажратиш; - микроорганизмлар маҳсулотларини қуритиш; - трансген ўсимликлар олиш усуллари; - ферментлар иммобилизацияси; - натижаларни илмий асослай билиш кўникмаларига эга бўлиши; - қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, сифатини биотехнологик усуллар ёрдамида ошириш тажрибаларига эга бўлиши керак. - мустақил равишда илмий тадқиқот олиб бориш, очиқ ва химояланган ерда сабзавот ва полиз экинлари билан дала ва вегетацион тажрибалар ўтқизишни; - илмий ҳамда илмий техник адабиётларни ўрганишни, тизимли мустақил таҳлил
--	--	---

			<p>тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда илмий нашрлар тайёрлашни; - замонавий педагогик ва ахборот камуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши; - махсус фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориш, ўқув-танишув, ишлаб чиқариш технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; - ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календарь режа, талабалар билимини ретинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни; - талабалар билимини назорат қилишда ретинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
--	--	--	---

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари
ва малака ошириш бўлими бошлиғи



Ш.Жониқулов

ЎзРФА Геномика ва биоинформатика маркази директори

И.Абдурахмонов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
микробиология институти директори



Қ. Давронов

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Қибрай тумани

“30” июль 2020 йил

Қатнашдилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саймазаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошқачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарқанд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инobatга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

Сўзга чикди: А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

